

ЎЗБЕКИСТОН  
ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ  
АХБОРОТИ

---

52 – жилд

---

\* \* \*

ИЗВЕСТИЯ  
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО  
ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА

---

52 – том

---

Тошкент-2018

**Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 52-жилд.**  
Илмий журнал. - Тошкент, 2018 йил. – 202 бет.

“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журналининг 52-жилдида табиий география, геоэкология ва табиатдан фойдаланиш, иқтисодий ва ижтимоий география, топонимика ва география ўқитиш методикаси, қуруқлик гидрологияси, метеорология ва иқлимшунослик ҳамда геодезия ва картографияга тааллукли мақолалар, таниқли географларнинг юбилейлари ва хотираларига оид лавҳалар жой олган.

**Таъсисчи: Ўзбекистон География жамияти**

**“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журналининг  
таҳрир ҳайъати:**

г.ф.д., профессор  
тех. фанлари доктори  
г.ф.н., доцент  
г.ф.н., доцент  
г.ф.н., доцент

**Ф.Ҳ.Ҳикматов (боши муҳаррир)**  
**Т.М.Мирзалиев**  
**М.М.Маматқулов**  
**О.Б.Ата-Мирзаев**  
**А.Қ.Абдуллаев**  
**А.А.Қаюмов**  
**А.Н.Нигматов**  
**Э.Ю.Сафаров**  
**А.Э.Эгамбердиев**  
(масъул котиб)  
**М.Т.Миракмалов**  
**М.И.Назаров**

*Техник котиблар:*

**Ш.Б.Қурбонов,**  
**В.Н.Федорко**

калла” юқори туради, деб тавсифлаган. Шу маънода унинг географик адабиётлар жамламаси эса мӯғул истилосидан аввалги олти асрлик даврни муносиб равиша якунлайди. Ёкунинг ўзини эса бизни қизиқтираётган соҳада ўз замонасининг буюк намоёндаси, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳозирги қундаги фанимизда ҳам унинг китоби яшамоқда ва кундалик нуфузли қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда, деган фикрларни билдирган эди.

Таниқли географ олим Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ҳам ўзининг “Сайёҳ олимлар” номли китобида (1981) Ёкут Ҳамавийни “Ўрта Осиёning чинакам шайдоси, ватанпарвари бўлиб қолган” – деб таърифлар экан, унинг Марв ва у ердаги кутубхоналар тўғрисида жўшиб ёзган сатрларидан намуналар келтирганди.

Ёкунинг географик луғати ҳажмига кўра, анчайин катта (10 жилдан иборат) бўлишига қарамай, ўрта асрларда ҳалқ орасида қайта-қайта қўчирилган чоғи, бизнинг кунларгача бир неча нусхада етиб келган. Масалан, Европанинг бир қатор шаҳарлари (Лондон, Оксфорд, Копенгаген, Берлин, Париж, Санк-Петербург) кутубхоналарида мавжудлиги аниқланган. Ҳозирги замон олимлари асосан унинг Лейпциг ва Қохира босма нашрларидан фойдаланмоқдалар.

Асарнинг кенг маълум бўлишида Ёкунинг замондошлари, таниқли муарриҳлар Ибн ал-Асир ва Ибн Ҳалликон кабиларнинг ҳиссалари бор. Чунончи, Ибн Ҳалликоннинг таъкидига кўра, Ёкут вафоти олдидан бағдодлик бир танишига китобларини бериб, ўзи яқин муносабатда бўлган Ибн ал-Асирга топширишни илтимос қилган.

**Хулоса.** Ёкут Ҳамавийнинг “Муъжам ал - булдон” (“Мамлакатлар луғати”) асарида унгача ўтган олти юз йиллик даврдаги географик адабиёт ва унинг муаллифлари хақида ишончли маълумотлар ўрин олган;

- “Муъжам ал-булдон”да географик обьектларнинг аниқ ва пухта тасвиrlаганлиги ундан барча, жумладан, оддий сайёҳ ҳам фойдалана олишига имкон берган;
- “Муъжам ал-булдон”да ҳалқларнинг оғзаки ижоди, маданияти ва динига оид маълумотларга ҳам катта аҳамият берилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зокиров Ш.С. Тошов Х.Р. География тарихи. Монография. – Бухоро: “Дурдона” нашриёти, 2015.
2. Крачковский И.Ю. Избранные труды. VI том. - М., 1957.
3. Ҳасанов Ҳ.Ҳ. Сайёҳ олимлар. - Т., 1981.
4. Jacut's geographischees Wörterbuch heraus gegeben von F.Wusterfeld. vol. I-VI, Leipzig, 1866 – 1873.

**Абдуганиев О.И.\***

### МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ ЭТАЛОН ФУНКЦИЯСИ АҲАМИЯТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

**Аннотация.** Турли вазифаларни бажарувчи МЭТҲларни ижтимоий-иқтисодий ва экологик жиҳатдан баҳолаш анча мураккаб шидир. Шунинг учун, мақолада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар функцияларининг аҳамияти ва самарадорлигини баҳолаш масалалари уларнинг этalon функцияси мисолида кўриб чиқилган. МЭТҲларнинг этalon функцияси унинг 5 та маркибий қисми асосида таҳлил қилинди.

**Калим сўзлар:** экотизим, реинтродукция, синантроп, биоценоз, геотизим, МЭТҲ, этalon, экологик каркас, резерват, биота, ландшафт.

---

\* Абдуганиев Олимжон Исомиддинович – Фарғона давлат университети география кафедраси докторанти. E-mail: Abduganiev76@mail.ru.

**Значение эталонных функций охраняемых природных территорий и оценка их эффективности**

**Аннотация.** Весьма сложной задачей представляется социально-экономическая и экологическая оценка охраняемых природных территорий, выполняющих различных функции. В данной статье функциональная значимость и эффективность охраняемых природных территорий рассматривается на примере эталонной функции. Эталонная функция охраняемых природных территорий анализирована в разрезе 5 её составляющих элементов.

**Ключевые слова:** экосистема, реинтродукция, синантропные виды, биоценоз, геосистема, ОПТ, эталон, экологический каркас, резерват, биота, ландшафт.

**The importance of reference functions for protected natural areas and an assessment of their effectiveness**

**Abstrast.** It is too difficult to indicate polyfunctional proteeted natural territories by ecological, sociological and economical way. Therefore, in this article is shown how to indicate the funcsions and benefits of proteeted natural territories. Th ethanol function og proteeted natural territories are analyred to 5 parts.

**Key words:** ecosystem, reintroduction, synantroph, geosystem, PNT, ethanol, ecological carcaz, rezervation, bioty, landscape.

**Кириш.** Муҳофаза этиладиган табиий худуд (МЭТХ) ларнинг асосий функцияларига типик, ноёб, кимматли табиий объектлар ва мажмууларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш, табиий жараёнларни ўрганиш ҳамда атроф табиий муҳит мониторингини олиб бориш, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирининг олдини олиш, экологик таълим ва тарбияни такомиллаштириш кабилар киради. Лекин, табиат ва унинг ресурсларидан факат фойдаланиш ёки муҳофаза қилиш учун йўналтирилган ёндашувларда МЭТХларнинг кўплаб функциялари унитиб қолдирилади ёки амалиётда уларни ривожлантиришга эътибор берилмайди.

Бу борада олиб борилган тадқиқотларда муҳофазага олинган худуд ёки объектларнинг асосий функциясида қачонки, муҳофаза қилиш функцияси устувор ҳисобланса, белгиланган мақсадга ва самарага эришиши асослаб беришга харакат қилинган. Шунинг учун, МЭТХлар тоифаси ва турларининг асосий функциясиларини аниқлаш ҳамда баҳолаш ишлари кўпгина тадқиқотчилар томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Масалан, тадқиқотчилар (Зыков 1980; Краснитский 1983; Фуломов 1985; Меллума 1988; Кулешова, Мазуров 1994; Абдуганиев 2008; Бишон ва бошқ., 2000; Санкин ва бошқ., 2011; Стишов, 2012, 2015; Яковенко, Воронина 2015 ва бошк.) томонидан МЭТХларнинг муҳофаза қилиш, эталон, резерват, қайта тиклаш ва бойитиш, бошпана, ёдгорлик, табиий муҳитни сақлаш ва таъминлаш, экологик барқарорлаштирувчи, рекрация ва соғломлаштириш, илмий ва маърифий, илҳомлантирувчи, маданий қадириятларни сақлаб қолиш, бойлик, илохийлик ва рамз, оқилона фойдаланиш, диний каби функциялари ташлил қилинган. МЭТХларнинг тоифалари ёки турлари бир-биридан қайсиdir функциясини бажаришда устунлик қилиши билан ажralиб туради.

МЭТХларнинг таянч функцияси уларнинг қонундаги тоифаси, тури, мақсади ва вазифасига кўра аниқланади. Масалан, табиат хилма-хиллигини сақлаб қолиш ва экологик мувозанатни қўллаб қуватлаш мавжуд МЭТХлар тизимига юклатилган расмий вазифалар ҳисобланади. Лекин, мазкур вазифалардан ташқари МЭТХлар муҳофазага олинган геокомплексларнинг ўзига хос хусусиятларига мустақил эгалик қилиш имкониятига эга эканлигини ҳам эътиборга олиш зарур. Бу имкониятлар геокомплексларнинг ноёблик хусусиятидан келиб чиқиб, МЭТХларнинг турли функцияларни бажаришида намоён бўлади. Шунинг учун, муҳофазага олинган худудларнинг таянч функцияларни аниқлаш, уларни аҳамияти ва самарадорлигини баҳолаш ҳамда ягона мезон асосида гурухлаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқот ишининг мақсади - МЭТҲларнинг таянч функцияларидан бири бўлган, этalon функциясининг аҳамияти ва самарадорлигини тадқиқ қилишдан иборат. Кўйилган мақсад доирасида тадқиқотда қўйидаги вазифалар белгиланди ва ўз ечимини топди: мазкур масаланинг ўрганилганлик даражасини тадқиқ қилиш; МЭТҲларни табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишдаги самарадорлигини баҳолаш ҳамда уларнинг таянч функцияларини аниқлаш; этalon функцияси ва унинг таркибий қисмлари асосий хусусиятларини очиб бериш ва бошқалар.

**Асосий қисм.** МЭТҲларнинг этalon функцияси табиати унчалик ўзгаришга ва бузилишга учрамаган табиий ҳолдаги геокомплексларни у ёки бу минтақанинг табиат эталони сифатида муҳофаза қилишда, биологик ва ландшафт хилма-хиллигини, камайиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонларнинг ноёб турларини сақлаб қолишда намоён бўлади. МЭТҲларнинг барча тоифаси ва турлари маълум бир маънода этalon функцияни бажаради. Лекин, этalon функция асосан давлат биосфера резерватлари, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, давлат қўриқхоналари ва ландшафт буюртма қўриқхоналарининг асосий таянч функцияси хисобланади. Чунки, мазкур МЭТҲларда барча мавжуд геотизимлар ва уларнинг компонентлари табиий ҳолда сақланади ҳамда улар инсон томонидан яратилаётган антропоген ландшафтлар учун этalon вазифасини бажаради. Бундай эталонлар инсон хўжалик фаолиятининг биз учун қулай ёки ноқулайлигини таққослашга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда у ёки бу тадбирларни нақадар мақсадга мувофиқлигини назорат қилишга асос бўлади. Қўйида МЭТҲлар этalon функциясининг асосий хусусиятлари, аҳамияти ва самарадорлигини 5 та таркибий қисм бўйича баҳолашга ҳаракат қилинди:

**1. Ландшафт хилма-хиллиги.** Табиий муҳитнинг ривожланишида ландшафтларнинг хилма-хиллиги қонуни устувор аҳамиятга эга. Ландшафт инсон ҳаёти учун зарур бўлган ҳаво, сув, тупроқ, ўсимлик каби кўплаб ўзини ўзи қайта тиклаб турадиган табиий бойликлар манбаидир. Шунингдек, ландшафтлар ва уларга бевосита боғлиқ бўлган табиий ресурсларнинг хилма-хиллиги муайян ҳудуднинг иқтисодий ривожланиши учун қулай табиий имкониятларни юзага келтиради. Бундай бойликлар қайта тикланиб, ўзини-ўзи тўлдириб туриши учун ландшафтлардаги модда ва энергия алманини табиатда қандай бўлса, шундайлича сақлаб қолишни таъминлаш муҳим бўлади [7, 6]. Шунинг учун, муҳофазага олинган геотизмни этalon сифатида баҳолашда унинг компонентлари ва морфологик қисмлари ўртасидаги хилма-хиллик ҳамда бир бутунликни таъминланганлигига эътибор қаратиш зарурдир. Чунки, ландшафтдаги ҳар қандай дастлабки ўзгариш энг кичик морфологик қисмда, яъни фациядан бошланиб, у ёки бу даражада урочищенинг ўзгаришида намоён бўлади.

Ландшафтларнинг хилма-хиллиги қанчалик мураккаб сақланган бўлса, улар "жонли" компонентларининг ранг-баранглиги, турларнинг таркиби, уларни ўзини-ўзи сақлаш ва тикланиш қобилияти каби хусусиятлари нисбатан барқарор характерга эга бўлади [7, 3]. Демак, МЭТҲлар тизимидағи ландшафт хилма-хиллиги табиатда бир бутунликни, ўзаро алақодорликни, биологик хилма-хилликни ҳамда модда ва энергия алмашув жараёнидаги меъёри сақлаб қолишга имкон беради.

МЭТҲлар тизимининг этalon функциясининг самарадорлиги эса, барча баландлик (чўл, адир, тоғ ва яйлов) минтақаларидағи ландшафтларнинг хилма-хиллигини қамраб олганлик даражаси билан белгиланади. Шунинг учун, ҳар бир баландлик минтақасида "этalon" функцияси таянч ҳисобланган МЭТҲларни ташкил этишга эътибор қаратилади. Чунки, МЭТҲлар турли ландшафтларда жойлашганлиги сабабли уларнинг ноёб хусусиятларини сақлаб қолади ҳамда улар ўртасидаги модда ва энергия алмашуви жараёнларига бевосита таъсир кўрсатади. Шунингдек, МЭТҲлар минтақадаги ландшафт ва ландшафтни ички бўлиниш хусусиятини ўзида намоён қиласи. МЭТҲлар ўзлари жойлашган ландшафтларнинг таркибий қисми сифатида бир бутунликни ташкил этади ва унинг муҳим хусусиятларини ўзида акс эттиради. Бу эса, ландшафтларни қўшни

геокомплекслар, уларнинг морфологик тузилмалари ҳамда компонентлари ўртасидаги узвий алоқадорликни сақлаш имконини беради.

**2. Геотизимнинг турларга бойлиги.** Бу кўрсаткич табиат зонаси ва табиий–географик минтақадаги этalon сифатида ажратилган МЭТХ учун таалуқли бўлган ёки мос келадиган ноёб ва маҳаллий флора-фауна турларига бойлиги билан аниқланади. Этalon сифатида ажратилган геотизимнинг турларга бойлиги, одатда, ракамли кўрсаткичлар билан ифодаланади. Бунда геотизимнинг турларга бойлиги, ундаги эндемик ёки реликт турлар, гурух ва оиласалар миқдори, ўзига хос экологик ёки эволюцион белгиларнинг мавжудлиги, экотизимнинг дунё миқёсидаги ноёблик даражаси каби кўрсаткичлар асосида МЭТХнинг табиатни муҳофаза қилишдаги самарадорлиги, яъни этalon функцияси баҳоланади [6].

Марказий Фарғона минтақасида Оқкум қумлари ва Ёзёвон чўллари Ўзбекистон Қизил китобига киритилган эндемик ва камёб ҳайвонот вакилларига бойлиги билан ажралиб турди. Масалан, мазкур минтақада умуртқасизларнинг 9, судралиб юрувчиларнинг 6 ва қушларнинг эса 7 тури учрайди. Лекин, минтақадаги мавжуд МЭТХлар турларнинг муҳофазасини тўлиқ қамраб олмаган бўлиб, улардаги этalon функциясининг самарадорлиги жуда паст даражада.

Табиий ландшафтлардаги антропоген ўзгаришлар, биринчи навбатда биологик турларда намоён бўлади. Шунингдек, табиий–географик минтақадаги биологик турларнинг хилма-хиллиги, мазкур худуддаги экологик мувозанатнинг қулайлигини билдиради. Масалан, биотанинг таркиби, хили, ўзаро нисбати ва ҳолатлари ҳамда уларнинг ўзини-ўзи тиклаш ва сақлаш қобилияти геотизимнинг барқарорлигини, антропоген таъсирнинг меъёрини ёки уларни ўзгартиришнинг энг яхши вариантини аниқлашда муҳим кўрсаткич вазифасини ўтайди [7]. Бу йўл орқали минтақада олиб борилаётган муҳофаза ишларининг самарадорлигини ҳам аниқлаш мумкин.

**3. Муҳофазага олинган биота ёки биоценозда ёт (бегона ёки бошқа табиат зонасидан кириб келган) ва синантропик (қўшалоқ, яъни паразит) элементларнинг мавжудлиги.** Ёт ва синантропик элементларнинг муҳофазага олинган турлар учун қандай аҳамиятга эга эканлигини аниқлашга эътибор қаратилади, агар улар мавжуд бўлса: а) МЭТХдаги табиий экотизмга синантропик ёки ёт турларнинг таъсири; б) МЭТХдаги муҳофазага олинган биотани ёт турга таъсири ўрганилади [6]. МЭТХ экотизими учун хос бўлмаган турлар ёт ёки бегона тур сифатида тушунилади. Улар бавосита хўжалик фаолити билан боғлиқ ёки МЭТХга чегарадош бўлган худудлардан кириб келган бўлиши мумкин. МЭТХларда хўжалик фаолиятини тартибга солиниши турларни яшаши ва кўпайиши учун шароитнинг яхшиланишига олиб келади. Натижада, унинг худудига муҳофаза қилиш кўзда тутилмаган турларнинг кириб келиши ва кўпайиши кузатилади. Масалан, муҳофазага олинган турларга МЭТХ ташқарисидаги айнан ўша турларнинг таъсирида **побочний** (ножоиз) холати юз беради. Натижада муҳофазага олинган тур ёт ёки бошқа турга айланиши мумкин. Бундай турларда генетик ўзгаришлар кузатилади [6].

Аниқ бир мақсадга қаратилган интродукция (бирор иқлим шароитида яшайдиган ўсимлик ёки ҳайвонни иқлими бошқа бўлган жойга кўчириш, иқлимлаштиришнинг дастлабки босқичи) жараёнлари ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, муайян табиат минтақасига табиий омиллар таъсирида кириб келган, олдиндан белгиланган ёки белгиланмаган интродукция ва иқлимлаштириш натижасида пайдо бўлган турлар миқдори оз ёки кўп бўлишидан қатъий назар ёт турлар ҳисобланади.

Масалан, Ўзбекистон энтомоценозларида қайд этилган зараркуранда ҳашаротлардан комсток қурти (*Pseudococcus comstocki* Kuw.), колорадо қўнғизи (*Leptinotarsa decimlineata* Say.), тоқ ипакчи (*Lymantria dispar* L.) капалаги ҳамда кейинги 20 йилликда жадал тарқалиб бораётган тут парвонаси (*Glyphodes pyloalis* Walker) айни ёт турлар сирасига киради. Вакт ўтиши билан мазкур турларнинг ҳар бири тегишли экосистемалар озука занжирида барқарор ўрин эгаллаб, қишлоқ хўжалиги экинларининг

зааркунандалари сифатида халқ хўжалигига жиддий иқтисодий зарар келтирувчи турлар қаторидан ўрин олди.

Реинтродукция йўли билан турларнинг дастлабки мавжуд популяциясини тиклаш учун бирор турни бошқа табиат минтақага табиий равишда ажратиб жойлаштириш орқали амалга оширилади. Лекин, табиатда ўсимлик ёки ҳайвонларда турларнинг ўзгаришига табиий муҳитнинг ўзгариши ёки популяция ичидаги табиий жараёнлар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Синантропга оид турларнинг нисбатан кўп ёки озлиги, МЭТҲ атрофидаги жойларнинг хусусияти билан алоқадор бўлади. Лекин, бундай турларнинг етарли даражада мавжуд бўлиши ёки миқдорини етарли даражада ортиб бормаслигига сабаб уларни табиий экотизимнинг таркибий қисмига айланмаганлиги билан боғлиқдир [3, 6].

Иқлимда ҳарорат ва намлик миқдорининг ўзгариши табиат компонентлари ўртасидаги (айниқса, биотага) хилма-хилликка кучли таъсир кўрсатади. Иссиқлик ёки намлик омилиниң чекланганлиги ўз навбатида “жонли” компонентларнинг фаоллигини, турли-туманлилигини чеклаб қўяди ҳамда компонентлар орасидаги алоқадорликни ниҳоятда “нозик” ва “мўрт” бўлишига олиб келади [7]. Масалан, Марказий Фарғона минтақасига курилган сув омбори мазкур ҳудудда нисбий намлик, ҳароратнинг ўзгаришига, маҳаллий шамолларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, ер ости сувлари сатҳи кўтарилиб, ботқоқлашган майдонлар ортиб бормокда. Ботқоқлашган ҳудудларда балиқ ва қушларнинг турларини кўпайиши кузатилади. Бундай ўзгаришлар минтақадаги биотанинг ўзгаришига кучли таъсир кўрсатади. Натижада Марказий Фарғона минтақаси учун ёт бўлган турлар сон ва сифат жихатдан ортиб боради. Бундай ҳолат Марказий Фарғонадаги эндемик ва “Қизил китоб”га киритилган турларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда агрокомплексларда тупроқ унумдорлигининг пасайиши, қишлоқ хўжалик экинларига ёт бўлган бегона ўтлар ва зааркунанда ҳашоратларнинг кўпайиб бораётганлиги, мазкур минтақада экологик “занжир”нинг бузилишга учраганлигини кўрсатади. Шунингдек, агрокомплекслар хосилдорлигини ошириш мақсадида ҳудудда турли хил минерал ўғитлар, кимёвий моддалар ишлатилмоқда [4]. Натижада эса, ландшафтлардаги одатдаги биокимёвий циклга ёт бўлган кимёвий моддалар кириб қолиши, тўпланиши ва оқибатда ландшафтларнинг ифлосланиш ёки компонетларда (сув, тупроқ, ўсимлик) ёт захарли элементларнинг тўпланиш ҳоллатлари кузатилмоқда. Демак, геотизим учун ёт бўлган элементларга, фақат биотадаги турларнинг ўзгариши хос бўлмай, бунга тупроқ, сув ва ўсимлик дунёсида тўпланадиган кимёвий элементларни ҳам киритиш мумкин.

**4. Эталон сифатида геотизимнинг ҳолати.** Эталон сифатида куйидаги кўрсаткичлар, яъни бирон бир минтақа учун типик бўлган, табиати кам ўзгаришга учраган ёки табиий холда сақланган геотизимлар ажратилади. Эталон сифатида ажратилган геотизим инсон томонидан ўзлаштирилаётган ва ўзгарган қўшни ландшафтлар учун ўзига хос «табиий этalon» вазифасини бажариши мумкин. Шунингдек, этalon сифатида ажратилган геокомплекслар антропоген таъсир натижасида минтақадаги ўзгариш даражасини баҳолашда асосий таянч ҳудуд хисобланади [1, 6]. Бу борада геотизимларни ноёблик даражасига кўра, куйидаги уч тоифага ажратиш мумкин:

а) геотизим: табиий-географик ўлка учун кўпроқ мос келадиган ва кенгроқ тарқалган табиий ландшафтлар бўлиб, биринчи ўринда – зонал хусусиятга эга бўлиши керак. Бундай этalon ҳудудлар бирор ўлка ёки табиат зонасини табиий географик комплексларни табиий холда сақлаб қолиш учун ажратилади. Масалан, Ўрта Осиё ўлкасининг Турон провинцияси учун зонал хусусиятга эга бўлган геотизимни этalon сифатида муҳофазага олиш тавсия этилади. Бундай этalon ҳудудларга Турон провинциясининг кичик провинцияси бўлган Фарғона водийсининг текислик ва тоғолди ҳамда тоғ қисмларида геотизимларни киритиш мумкин. Лекин, Фарғона водийсида

табиий-географик ўлка ёки провинция учун этalon бўла оладиган экотизимларни ажратиши имкони йўқ. Чунки, Фарғона водийсининг ландшафтлари антропоген таъсир натижасида кучли ўзгаришга учраган.

б) геотизим: табиий ландшафт тузилишига кўра ўзига хос бўлиб, округ ёки район учун этalon бўла оладиган геотизимлар. Масалан, Фарғона водийси округи Марказий Фарғона райони учун Ёзёвон чўллари ўзига хос этalon вазифасини бажариши мумкин. Фарғона водийсида бу тоифадаги этalon худудларни турли баландлик минтақаларида кам ўзгаришга учраган кичик худудларда ташкил этиш имконияти мавжуд. Бундай этalon худуд сифатида ажратилган табиий ландшафт қопламининг тузилиши иккинчи даражали роль ўйнаши мумкин. Шунингдек, сони жиҳатдан камайиб, тур сифатида йўқолиб бораётган эндемик ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофазага олиш ҳамда қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилади. Лекин, мазкур этalon худуд табиат зонаси ёки табиий-географик ўлка учун ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлиши керак.

в) геотизим: табиий-географик минтақа ёки табиий географик район учун характерли бўлган, асосан ландшафт типларига тўғри келиб, майдон катталиги бўйича жой, урочище ва фация даражасидаги геотизимлардир. Лекин, бундай геотизимнинг холати жуда яхши ёки шунга яқин бўлиб, таркибий қисми тўлиқ ва яққол кўриниб туриши ҳамда кучли ўзгаришга учрамаганлиги билан характерланади. Бундай геотизимлар Фарғона водийси учун хос бўлиб, улар антропоген таъсирга кучли тортилган, лекин, айрим геотизимларнинг ўзгаришга учрамаган фация ёки урочице даражасидаги қисмларини “этalon” сифатида муҳофазага олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, Фарғона водийсида катта майдонга эга бўлган МЭТҲларни ташкил этиш имконияти юқори эмас.

Мазкур босқичда ҳар бир МЭТҲнинг тоифаси, тури ва мақомидан келиб чиқиб, унинг этalon функцияси баҳоланади. Чунки, турли мақомга эга бўлган МЭТҲларда этalon функция муҳофазага олинган геотизимни сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш ҳамда қайта тиклаш имкониятига кўра турли даражада намоён бўлади.

**5. Геотизимга антропоген таъсир ва ундағи ўзгаришларнинг ҳолати.** Бундай геотизимлар ўзларининг муҳим физиономик белгилари орқали табиий ландшафтлардан аниқ ажralиб туради. Мазкур худудларга у ёки бу даражада антропоген таъсир бўлиб туради. Табиат ва жамият диалектик бир бутунлиги билан ифодалансада, сифат жиҳатдан улар бир-бирига қарама-қарши туради. Шунинг учун, табиат ва жамият муносабатларида табиат устуворлиги тамойилини асос қилиб олиш зарур. Инсоннинг хўжаликдаги фаолияти таъсирида ландшафтларнинг ўзгариш даражаси, миқёси ва жадаллиги турлича бўлади. Бу бир томондан ландшафтларнинг ўзига хос бўлган табиий хусусиятлари билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан инсоннинг ландшафтга таъсир этиши характеристери билан боғлиқдир [7].

Ландшафтларнинг ўзгарганлик ҳолатини аниқлашда инсон хўжалик фаолиятининг таъсирида ландшафтларни ўзгариши, улардан хўжалик мақсадида фойдаланиш тури ва ландшафтларнинг ўзгармай қолган хусусиятлари ҳам инобатга олинади. Бунда ўзлаштирилган худудлар майдонининг ландшафтлар майдонига нисбати асос қилиб олинди. Шунингдек, ландшафтларнинг ўзгарганлик ҳолатини аниқлашда ҳаво, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиши, кимёвий таркибининг ўзгариши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тўғрисидаги бошқа маълумотлар ҳам ҳисобга олинади. Чунки, модданинг чиқиб кетишидан кириб келиши ва тўпланиш жараёни устун турадиган геокомплекслар инсон хўжалик фаолиятига тортилмаган бўлса ҳам, уларнинг дастлабки табиий хусусиятлари ва физиономик белгиларида ўзгаришлар содир бўлиши мумкин [7, 5].

Геотизимларнинг ўзини ўзи бошқариши ва қайта тикланиш хусусиятининг кучли ёки кучсизлиги, ташқи кучлар (шу жумладан, инсон фаолияти ҳам) таъсирига чидамлилиги ёки чидамсизлиги турли ландшафтларда ҳар хил бўлади. Шу билан бирга, инсон фаолияти ҳам турличадир. Масалан, инсон ландшафтларга тоғ-кон саноати шароитида бир хил таъсир кўрсатса, шахар қурилиши шароитида бошқа хил,

дэхқончилик, чорвачилик, ўрмон хўжалиги шароитларида эса яна бошқачароқ таъсир этади [4]. Натижада хилма-хил ўзгарган ландшафтлар ҳосил бўлади ва уларни таснифлаш зарурияти туғилади. Шунинг учун, геотизимдаги бузилиш ва қайта ўзгаришларни З та тоифага ажратиш мумкин.

а) ўзгармаган геотизимлар, кучсиз ўзгарган ландшафтлар бўлиб, инсон хўжалик фаолияти таъсирида уларнинг айrim компонентлари қисман ўзгаргац, лекин, уларда табиий алоқадорлик бузилмаган. Мазкур экотизимлар антропоген таъсирига тортилмаган бўлиб, ҳозирги вақтда ўзини-ўзи қайта тиклаш хусусиятига эга; Улар бевосита инсон таъсирига ва хўжалик фаолиятига тортилмаган ландшафтлардир. Бундай экотизимлар инсон фаолиятига жуда кучсиз берилган бўлиши мумкин. Асосан, шифобахш ўсимликларни териш, овчилик ва қисман чорвачилик таъсирида айrim ўсимлик ёки ҳайвон турларининг микдори ўзгарган бўлади.

б) бузилган ва ўзгартирилган геотизимлар, антропоген таъсирига сезиларли даражада тортилган бўлиб, ҳозирги вақтда ўзини-ўзи қайта тиклаш қобилятини йўқотган ҳамда рекультивация талаб этиладиган ландшафтлардир. Инсон хўжалик фаолияти таъсирида кўп компонентлари ўзгарган бўлиб, табиий алоқадорлик бузилган ёки бузилиш ҳолатиди. Бузилган геотизимлар инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида яроқсиз ҳолга келиб қолади [2]. Бу ландшафтларни ўз ҳолатини тиклаш учун антропоген таъсирини тўхтатиш ҳамда рекультивациялаш зарур. Уларнинг кўп компонентлари ўзгариб, ландшафтнинг структураси сезиларли даражада ўзгарган. Бундай геотизимларга салбий ташқи таъсирини тўхтатиш ҳамда табиий ресурсларни тикланиши учун шароит яратиш талаб этилади.

в) кучли ўзгартирилган геотизимлар, кучли антропоген таъсирида бўлиб, ҳозирги таркибий тузилиши ва кўринишининг оптимал ҳолати антропоген фаолиятга билан боғлиқ. Ўзига хос бундай геотизимларга экинзорлар, каналлар, сув омборлари, йирик саноат обьектлари, аҳоли пунктлари ва бошқаларни киритиш мумкин. Мазкур геотизимлар қишлоқ хўжалиги, саноат ёки техноген обьект сифатида табиат, яъни ландшафт билан ўзаро алоқа ва таъсирида бўлиб туради. Шунинг учун, кучли ўзгартирилган геотизимларнинг ривожланиши табиий ва ижтимоий-иқтисодий қонуниятларга боғлиқ бўлади. Масалан, агро ёки урботизимлар инсон томонидан назорат қилиниб, бошқарилиб турилмаса, улар маҳсулдорлиги, иқтисодий самарадорлиги ва ташқи кўринишини йўқотиб қўяди. Шунинг учун, бундай геотизимларни ландшафтшунослар бошқариладиган тизимлар деб ҳисоблашади [2, 4].

**Хуноса.** Турли вазифаларни бажариш хусусиятига эга бўлган МЭТҲларни ижтимоий-иқтисодий ва геоэкологик жиҳатдан баҳолаш анча мураккаб ишдир. Бу хусусиятлар бир-бири билан узвий боғланган бўлади ҳамда бир-бирини тўлдиради. Шунинг учун, тадқиқот жараёнида олинган натижалар таҳлилига асосланиб, қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1) МЭТҲларнинг этalon функциясини баҳолаш орқали ландшафтлар ва улардаги биологик хилма-хиллик даражасини сақлаб қолиш, атроф-табиий мухит мувозанатини қувватлаш, антропоген салбий таъсирининг олдини олиш каби ишлар самарадорлини аниқлаш мумкин;

2) МЭТҲларнинг этalon функциясини асосан, давлат биосфера резерватлари, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, давлат қўриқхоналари ва ландшафт буюртма қўриқхоналарининг таянч функцияси ташкил этади;

3) МЭТҲларнинг этalon функциясини баҳолаш, уларнинг экологик каркасдаги функциясини аниқлаш имкониятини яратади. Шунингдек, мазкур йўналишдан тадқиқотлар натижасида муҳофазага олинган геотизимнинг турларга бойлиги, ландшафтларнинг хилма-хиллиги, этalon сифатида геотизимнинг ҳолати ва минтақадаги антропоген ўзгаришларни аниқлаш имкониятига эга бўлинади. Бу эса, экологик хавсизлик

ва барқарорликни таъминлаш ҳамда биохилма-хилликни сақлаб қолишнинг устувор йўналишларидан бири, яъни, экологик каркасни барпо этиш имконини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бишон К., Грин М., Филипс А.. Модели национальных парков. — М.: Изд-во Центра охраны дикой природы, 2000. — 213 с.
2. Вахобов Х., Хакимов О. Бузилган ландшафтлар тушунчаси хақида. Ўзбекистон География жамияти ахбороти. —Тошкент, 2008. -№32. -Б. 8-11.
3. География и мониторинг биоразнообразия //Колл. авторов. Редакционная коллегия книги: Касимов Н.С., Романова Э.П., Тишков А.А. М.: Издательство Научного и учебно-методического центра, 2002. - 432 с.
4. Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. —Т.: Университет, 1998. -92 б.
5. Осипов А.Г. Метод геоэкологической оценки ландшафтов в среде ГИС при создании и реконструкции природно-аграрных систем //Информация и Космос. – 2016. – № 1. – С. 123-130.
6. Стишов М.С. Методика оценки природоохранной эффективности особо охраняемых природных территорий и их региональных систем. – М.: WWF/ России, 2012. – 284 с.
7. Zokirov Sh. S., Toshov X.R. Landshaftshunoslik. –Т.: “Dizayn-press”, 2013. 170 b.

**Крахмаль К.А., Абдуназаров У.К.\*****ФИЗИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ  
ПАЛЕОЛАНДШАФТОВ КАРАМАЗАРСКИХ ГОР В ЭОПЛЕЙСТОЦЕНЕ**

**Аннотация:** в статье приведены результаты изучения физико-географических особенностей формирования палеоландшафтов в зоне Карамазара по материалам вновь открытого стратиграфического разреза Каульды, включающего палеопочвенные, литологические и археологические горизонты эоплейстоцена.

**Ключевые слова:** ландшафт, кайнозой, Чаткало-Кураминский район, хроностратиграфия, палеоклимат, эоплейстоцен, Тяньшанский ороген, палеопочвенные отложения.

**Эоплейстоценда Қорамозор тоғлари палеоландшафтлари шаклланишининг  
табиий географик хусусиятлари**

**Аннотация:** мақолада Қорамозор массивидаги палеоландшафтлар шаклланишининг табиий географик жиҳатлари Қавулди стратиграфик очилмасидаги эоплейстоцен горизонтларининг палеотупроқ, литологик, археологик маълумотларга асосланган янги натижалар асосида ёритилган.

**Таянч сўзлар:** ландшафт, кайнозой, Чотқол-Қурама райони, хроностратиграфия, палеоиқлим, эоплейстоцен, Тяньшан орогени, палеотупроқ қатламлари.

**Natural geographical features of the formation of the paleolandscapes of the Karamazar mountains in the Eopleistocene**

**Annotation:** The article presents the results of studying the physico-geographical features of the paleolandscape formation in the Karamazar zone, based on the newly discovered Kaulda stratigraphic section, which includes paleo-soil, lithological and archeological horizons of the Eopleistocene.

**Key words:** landscape, Cainase, Chatkalo-Kuraminsky region, chronostratigraphy, paleoclimate, Eopleston, Tien Shan orogen, paleolar deposits.

\*Крахмаль Константин Андреевич - Навоийский государственный горный институт, старший преподаватель кафедры социально-гуманитарных наук, к.и.н.

Абдуназаров Укташ Кобилжанович - НУУз, доцент кафедры географии, к.г.н.

**МУНДАРИЖА:  
ОГЛАВЛЕНИЕ:**

**ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ, ГЕОЭКОЛОГИЯ ВА ТАБИАТДАН**

**ФОЙДАЛАНИШ**

**ФИЗИЧЕСКАЯ ГЕОГРАФИЯ, ГЕОЭКОЛОГИЯ И ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЕ**

|   |    |
|---|----|
| <b>Попов В.А.</b> О некоторых геолого-геоморфологических феноменах Узбекистанского сегмента Аральской впадины   | 3  |
| <b>Тошов Х.Р.</b> “Мульжам ал-булдон” асари ва унинг муаллифи ҳакида  | 11 |
| <b>Абдуганиев О.И.</b> Мухофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг этalon функцияси аҳамияти ва самарадорлигини баҳолаш   | 15 |
| <b>Крахмаль К.А., Абдуназаров У.К.</b> Физико-географические особенности формирования палеоландшафтов Карамазарских гор в эоплейстоцене                     | 22 |
| <b>Холиқулов Ш.Т., Усмонов М.Р., Ибодуллаев Қ.</b> Жиззах вилоятида экологик туризмни ривожлантириш истиқболлари  | 25 |
| <b>Шарипов Ш.М.</b> Ландшафт илмий тадқиқот обьекти сифатида  | 29 |
| <b>Султанов М.К.</b> Тупроқ шўрланишини тадқиқ қилишнинг замонавий методлари  | 32 |
| <b>Холиқов Р., Абдураҳмонов Д.</b> Парагенетик ландшафтларнинг морфологик табақаланишига таъсир этувчи омиллар  | 37 |
| <b>Ходжиматов А.Н., Холмуродов Ш.А., Султанова Н.Р.</b> Ҳаракатлар стратегияси ва география   | 39 |
| <b>Крахмаль К.А., Зокиров О.У.</b> Палеоландшафтная зональность западного тяньшаня и особенности развития материальной культуры в эпоху раннего антропогена | 43 |
| <b>Абдуганиев О.И., Махкамов Э.Ғ.</b> Давлат қўриқхонасини ташкил этиш – Марказий Фаргона табиатидан фойдаланишнинг оқилона йўли                            | 47 |

**ИКТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯ**

**ЭКОНОМИЧЕСКАЯ И СОЦИАЛЬНАЯ ГЕОГРАФИЯ**

|   |     |
|---|-----|
| <b>Федорко В.Н.</b> Некоторые этногеографические аспекты населения сопредельных с Узбекистаном стран Центральной Азии                             | 54  |
| <b>Назаров М.И.</b> Ўзбекистон қишлоқ туманлари ижтимоий инфратузилма салоҳиятининг минтақавий хусусиятлари                                       | 69  |
| <b>Рўзметов Д.Р.</b> Енгил саноат тармоқлари жойланишининг омиллари ва ҳудудий ташкил этиш шакллари   | 74  |
| <b>Жумаханов Ш.З., Макулов Ж.Т.</b> Марказий Осиё мамлакатларининг фавқулодда вазиятларни олдини олиш борасидаги ҳамкорлиги                       | 78  |
| <b>Абдувалиев Ҳ.</b> Аҳоли зичлиги билан ижтимоий-экологик вазиятнинг ўзаро боғлиқлиги (Фаргона вилояти мисолида)                                 | 81  |
| <b>Ибраимова А.А.</b> Ўзбекистоннинг озиқ-овқат саноати ва унинг экспорт салоҳияти  | 84  |
| <b>Абдалова З.Т.</b> Социально-экономическое развитие и особенности современных процессов урбанизации в Узбекистане                               | 87  |
| <b>Ембергенов Н.Ж., Турсынов М.Ж.</b> Қорақалпоғистон Республикасида саноат тармоқларини ташкил этиш ва жойлаштириш муаммолари                    | 91  |
| <b>Ражабов Ф.Т., Тўраев Қ.Т.</b> Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига мулкчилик шаклларининг ўзгариши   | 94  |
| <b>Аманов А.К., Рўзметов Д.Р., Қурбонов Ш.Б.</b> Аҳолининг енгил саноат маҳсулотлари билан таъминланишнинг ижтимоий ва табиий географик жиҳатлари | 98  |
| <b>Ибраимова А.А., Абдураҳмонова Ш.</b> Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик салоҳияти   | 101 |

**ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР ТАДҚИҚОТЛАРИ**

**ИССЛЕДОВАНИЯ ЗАРУБЕЖНЫХ ПАРТНЁРОВ**

|  |     |
|--|-----|
| <b>Низамиев А. Г.</b> К вопросу о структуре географической науки               | 104 |
| <b>Иванов А.В., Яшков И.А.</b> Сеть городских поселений Казахстана – модельный | 111 |